

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

Рўйхатга олинди:
№ БД – 5220100- 3.11
2018 йил “18” 08



Олий ва ўрта махсус таълим
вазирлиги

2018 йил “18” 08

**ОММАВИЙ КОММУНИКАЦИЯ НАЗАРИЯЛАРИ ВА МОДЕЛЛАРИ
ФАН ДАСТУРИ**

Билим соҳаси: 200 000 – Ижтимоий соҳа, иқтисод ва ҳуқуқ
Таълим соҳаси: 220000 – Журналистика ва ахборот
Таълим йўналиши: 5220100 – Журналистика (халқаро журналистика)

Тошкент – 2018

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил “25” августдаги 744-сонли буйруғининг 6-илоvasи билан фан дастури рўйхати тасдиқланган.

Фан дастури Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими йўналишлари бўйича Ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгашнинг 2018 йил “18” августдаги 4-сонли баённомаси билан маъқулланган.

Фан дастури Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида ишлаб чиқилди.

Тузувчилар:

Дадахонов А.

– Халқаро журналистика назарияси ва амалиёти кафедраси катта ўқитувчи.

Абурахмонова Ҳ.

– Халқаро журналистика назарияси ва амалиёти кафедраси, ўқитувчи.

Такризчилар:

Исраил Муқаддас

– ЎзМУ журналистика факультети “Услубият ва таҳрир” кафедраси мудири, ф.ф.н., доцент. *(турдош ОТМ)*;

Қосимова Н.С.

– ЎзДЖТУ халқаро журналистика факультети “Халқаро журналистика назарияси ва амалиёти” кафедраси доценти, ф.ф.н.

Фан дастури Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети Кенгашида кўриб чиқилган ва тавсия қилинган (2018 йил “27” июндаги “6” -сонли баённома).

I. Ўқув фанининг долзарблиги ва олий касбий таълимдаги ўрни

“Оммавий коммуникация назариялари ва моделлари” фани бўйича ўқув курсини ўқитилишининг аҳамияти ва долзарблиги журналистика соҳасида таълим олаётган талабаларга жаҳоннинг бир қатор машҳур мамлакатларида оммавий коммуникациянинг пайдо бўлиши, унинг назарий асослари ва моделлари тўғрисида билим беришдир. Шунингдек, унда оммавий коммуникация турлари ва ахборот-коммуникация технологияларининг тараққиёти натижасида соҳадаги миқдорий ва сифатий ўзгариш, янгиланишлар ҳам ўргатилади.

II. Ўқув фанининг мақсади ва вазифаси

Фанни ўқитишдан мақсад – журналистика факультети талабаларини оммавий коммуникация назарияси ва моделлари билан таништиришдан иборат.

Фаннинг вазифаси – Ушбу мақсадга эришиш бир қатор вазифаларни бажариш орқали амалга оширилади. Бундай вазифалар таркибига қуйидагилар киради:

- Оммавий коммуникация (ОК) нинг инсон ва жамият ҳаётидаги ўрнини тушунтириш;
- оммавий коммуникация назариялари ҳақида тизимли билим бериш;
- оммавий коммуникациянинг тарихий ва замонавий шакллари, улар тараққиётининг ўзига хос қонуниятлари ҳақида маълумот бериш;
- талабаларда оммавий ахборот тарқатилишининг сайёравий тизимлари ҳақида тўлиқ тасаввур ҳосил қилиш;
- Ғарб мамлакатларидаги замонавий ОК моделларининг хусусиятларини ўргатиш;
- ОК шарқона моделларининг хусусиятлари ҳақида билим бериш;
- ОК соҳасида Ўзбекистоннинг миллий модели хусусида маълумот бериш.

“Оммавий коммуникация назариялари ва моделлари” фанини ўзлаштириш жараёнида талабаларнинг билим, кўникма ва малакаларига қўйидаги талаблар қўйилади.

Талаба:

– Оммавий коммуникация ва унинг ривожланиш тамойиллари; унинг маданий ва моддий коммуникация; маданий коммуникациянинг шакллари; илмий коммуникацияга; илмий коммуникация шаклларининг ривожланганлиги; тарихий асарларда илмий коммуникациянинг алоҳида

аҳамияти; ҳуқуқий коммуникация тушунчаси; маъмурий коммуникация ҳақида тушунча **ҳақида тасаввурга эга бўлиши;**

– оммавий коммуникация шакллари; оммавий коммуникацияни ташкилотчилари ва ижро этувчиларини; жамият тараққиётида оммавий коммуникациянинг аҳамиятини; оммавий коммуникацияларнинг ўзига хос хусусиятларини; маданий коммуникациянинг тарихий жараёнларга таъсирини; маданий коммуникациянинг журналистика тараққиётига таъсирини; оммавий коммуникациянинг ривожланиши таълим коммуникациясининг шаклланишига имкон яратишини; ҳуқуқий коммуникация шакллари ва турларини; давлат тизимида ҳуқуқий коммуникациянинг аҳамиятини; оммавий коммуникация жараёнида ҳуқуқий коммуникациянинг аҳамиятини **билиши ва улардан фойдалана олиши;**

– давлат бошқарувидаги сиёсий тадбирларда коммуникациянинг роли ва унинг илмий ютуқларидан фойдаланиш; маъмурий коммуникацияни ижро этувчилар ва уларнинг касбий маҳоратларини эгаллаш; ахборот даврида оммавий коммуникация технологиялари ва моделларидан фойдаланиш; оммавий коммуникациянинг турлари бўйича эгаллаган назарий билимларини амалда қўллаш билиш **кўникмаларга эга бўлиши керак.**

III. Асосий назарий қисм (маъруза машғулотлари)

1-мавзу. ОКНнинг инсон ва жамият ҳаётидаги ўрни

Ахборотга талаб – инсон табиатининг фундаментал хусусияти. ОК тушунчаси, белгилари ва функциялари, ОК жараёни. Ижтимоий ахборот хусусиятлари. Жаҳон коммуникация моделлари.

Фан, ижтимоий тараққиёт ва демократиянинг ОКга боғликлиги. ОК маълумотлари билим сифатида («билим – инқилобий бойлик», Э. Тоффлер). ОКнинг жамоавий ҳаётдаги ва инсон социализациясидаги ўрни. Медиатаълим масаласи.

2-мавзу. ОКНнинг асосий бўғинлари: манба – канал – матн – аудитория

Ахборот манбалари, уларнинг типологияси. Ҳокимият, тижорий тузилмалар, журналистлар ва блогерлар – оммавий ахборотнинг асосий манбалари. Ахборот манбалари манфаатларининг таснифи.

Турли ахборот каналларининг хусусиятлари ва уларнинг ахборот сифатига таъсири. «Ахборот етказадиган воситасининг ўзи ахборотдир» (Маклюэн).

Ахборот мазмуни ва унинг тушуниш масаласи. Матннинг мазмуни ва шакли. Замонавий боскичда маълумот шаклининг ахборотни қабул қилишдаги таъсири.

Ахборотни қабул қилишда аудиториянинг ўрни. Оммавий аудиториянинг ахборотни қабул қилишга мойиллиги. ОКнинг психологик хусусиятлари. ОК хабарларини қабул қилишда аудиториянинг ишонувчанлиги. Оммавий аудиториянинг турлари. Оммавий ва ихтисослашган ахборот.

3-мавзу. Оммавий коммуникация назариялари

Оммавий коммуникация И. Гутенберггача ва ундан кейинги даврларда. Ахборот алмашувини тартибга туширишнинг тарихи.

Эркин ахборот оқими Доктринаси ва унинг хусусиятлари. Ахборот-коммуникацион технологиялари ривожланган мамлакатларнинг эркин ахборот оқими шароитида бошқа мамлакатлардан устуворлиги.

Тартиблашган ахборот алмашинуви Доктринаси, унинг мазмуни ва хусусиятлари. Тартиблашган ахборот алмашинуви ҳақидаги БМТнинг ҳужжатлари ва бу Доктринага амал қилиш амалиёти.

4-мавзу. ОКНнинг умумий моделлари

ОКнинг умумий моделлари – коммуникация хусусиятлари ва инсон табиатига жавоб берувчи моделлар сифатида. Г. Лассуэл, У. Шрамм, К. Шеннон, Б. Берельсон, Л. Бейкер, Ф. Дэнис, Т. Ньюкомб, Ж. Гербнер ва бошқаларнинг ОК соҳасидаги моделлари.

5-мавзу. Ғарб мамлакатларидаги замонавий ОК моделларининг хусусиятлари

Индивидуаллик ва зафарга эришиш – ғарбона дунёнинг асосий хусусияти сифатида. ОК соҳасида ғарбона моделларнинг инсон табиати устидан ғалаба қозонишга йўналтирилганлиги. АҚШ, Россия, Буюк Британия, Германия, Франция, Италия ва бошқа Ғарб мамлакатлар олимларининг ОК соҳасидаги моделлари.

6-мавзу. ОКН шарқона моделларининг хусусиятлари

Шарқда ОК тарихи. Қадимги ва ўрта асрлардаги Хиндистон, Хитой, Миср ва Марказий Осиёда ОК кўринишлари.

Жамоавий турмуш тарзи – Шарқ мамлакатларининг умумий қонунияти сифатида. Жамоа бўлиб яшаш шарқдаги ОКнинг асосий хусусияти. Шарқона ОКларнинг инсон ва жамият билан муносабат ўрнатишга йўналтирилганлиги.

Хитой, Хиндистон, араб мамлакатларида замонавий ОК моделлари.

7-мавзу. ОКН соҳасида Ўзбекистоннинг миллий модели

Ўзбекистонда замонавий ОКВ тизими. Мамлакамизда ОКВ соҳасидаги қонунчилик, журналистик назария ва амалиёт. Республика ОКВ функциялари ва мазмуни. ОК давлат ва халқ ўртасидаги кўприк сифатида.

8-мавзу. Интернет шароитида ОК ривожланишининг тенденциялари

Интернет дунё ОК тизимини кескин ўзгартирган восита сифатида. Интернетнинг замонавий ОК тизимидаги ўрни ва аҳамияти. Интернетнинг ОАВ сифатидаги хусусиятлари ва уникаллиги. Интернетнинг глобал ахборот тизими сифатидаги афзалликлари ва камчиликлари. Тегишли ҳуқуқий база йўқлиги шароитида интернетни назорат қилиш қийинлиги. Дунё микёсда интернет бўйича халқаро шартномалар йўқлиги. Интернет соҳасида миллий қонунчиликнинг ривожланмаганлиги.

9-мавзу. Интернет ОК таркибидаги номарказлашган ахборот тизими сифатида

Интернетнинг номарказлашган характери, назоратнинг йўқлиги. Унинг ўта катта тезлик билан ишлаши, тизимдаги ахборотнинг чексизлиги. Ахборотнинг арзонлиги ва юқори сифатлилиги – тармоқнинг асосий ютуқлари сифатида.

Онлайн режимда журналистлар, блогерлар ва бошқалар ишлашининг ахлоқий хусусиятлари.

IV. Семинар машғулоти бўйича кўрсатма ва тавсиялар

1. Оммавий коммуникация (ОК) нинг инсон ва жамият ҳаётидаги ўрни
2. Оммавий коммуникация назариялари
3. ОКнинг асосий бўғинлари: манба – канал – матн – аудитория
4. Ахборот манбалари, уларнинг типологияси.
5. Оммавий аудиториянинг турлари.
6. Оммавий ахборот тарқатилишининг сайёравий тизимлари
7. Оммавий коммуникация И. Гутенберггача ва ундан кейинги даврларда.
8. Эркин ахборот оқими Доктринаси ва унинг хусусиятлари.
9. Тартиблаган ахборот алмашинуви Доктринаси ва унинг хусусиятлари.
10. ОКнинг умумий моделлари
11. Ғарб мамлакатларидаги замонавий ОК моделларининг хусусиятлари
12. ОК шарқона моделларининг хусусиятлари

13. Шарқда ОК тарихи.
14. Хитой, Ҳиндистон, араб мамлакатларида замонавий ОК моделлари.
15. ОК соҳасида Ўзбекистоннинг миллий модели
16. Интернет шароитида ОК ривожланишининг тенденциялари

Семинар машғулотларни ташкил этиш юзасидан кафедра томонидан кўрсатма ва тавсиялар ишлаб чиқилади. Талаба асосий маъруза мавзулари бўйича олган билим ва кўникмаларини семинар машғулотларда мустаҳкамлайди ва бойитади.

V. Мустақил таълим ва мустақил ишлар

Мустақил таълим учун тавсия этиладиган мавзулар:

1. Дарслик ва ўқув қўлланмалари бўйича фан боблари ва мавзуларини ўрганиш;
2. Тарқатма материаллар бўйича маърузалар қисмини ўзлаштириш;
3. Махсус адабиётлардан фанга оид бўлимлар ва мавзулар устида ишлаш;
4. Янги техникалар, компьютер дастурлари ва технологияларини ўрганиш;
5. Талабанинг ўқув-илмий тадқиқот ишларини бажариш билан боғлиқ бўлган фан бўлимлари ва мавзуларини чуқур ўрганиши;
6. Фаол ва муаммоли ўқитиш усулларидан фойдаланиладиган ўқув машғулотлари;
7. Масофавий (дистанцион) таълим.

VI. Асосий ва қўшимча ўқув адабиётлар ҳамда ахборот манбалари

Асосий адабиётлар

1. Stanley J. Baran. Dennis K. Davis. Mass communication Theory. Foundation, Ferment, and Future. Sixth Edition. – 2012
2. Иванов В.Ф. Массовая коммуникация. – Киев Академия Украинской Прессы Центр Свободной Прессы. – 2013.
3. Назаров М.М. Массовая коммуникация в современном мире. М.: «Едиториал УРСС», 2003. 240 с.
4. Солиева М. К. Марказий Осиё халқлари маданияти шаклланишида ижтимоий коммуникацияларнинг ўрни. (IX-XVI асрлар). – Т: “Фан ва технология”, 2010. – 136 бет
5. Мўминов Ф. А., Нурматов А. Ва бошқ. Жаҳон журналистикаси тарихи, Т.: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти, 2006

Қўшимча адабиётлар

1. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. – Т.: Ўзбекистон, 2016. – 29 б.
2. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизнинг мард ва олижаноб халқимиз билан бирга курашимиз. – Т.: Ўзбекистон, 2017. – 485 б.
3. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қонидаси бўлиши керак. – Т.: Ўзбекистон, 2017. – 103 б.
4. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. – Т.: Ўзбекистон, 2017. – 47 б.
5. Прайс М. Масс-медиа и государственный суверенитет. М.: Институт проблем информационного права. 2004.
6. Актуальные проблемы саморегулирования средств массовой информации. Под ред.
7. Винокурова Г.В., Рихтера А.Г, Чернышова В.В.. М.: Институт проблем информационного права, 2005.
8. Почепцов Г. Теория и практика коммуникации. М.: 1998.

Интернет сайтлари

1. vitaweb.jino-net.ru
2. www.citforum.ru
3. www.case.nnov.ru
4. www.hi-edu.ru
5. www.opennet.ru
6. www.telemultimedia.ru